

ЖАМЛИК ҚЎЗВИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

27 сентябрь, сешанба, 1994 йил. Сотувда эркин нархда. № 189 (937)

XII ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

ХИРОСИМАГА ЖўНАШ ОЛДИДАН

26 сентябрда республика Вазирлар Маҳкамасида Хиросимада бўладиган XII Осие ўйинларига жўнаб кетаётган Ўзбекистон спортчилари делегацияси билан учрашув бўлди.



Бош вазир А. Муталов сафар арафасида спортчилар, мураббийлар, мутахассислар ва федерациялар раҳбарларини қабул қилиб, уларга оқ йўл тилади. У еш мустақил давлатимиз вакиллари Осие китъасидаги бу йirik спорт мусобақасида биринчи марта иш-тироқ этаётганини алоҳида таъкидлади.

Терма командамиз кўп миллатлиқдир. Унинг сафига жиддий саралашдан ўтган, кўлгина халқаро мусобақаларда юксак маҳоратини намойиш этган 123 нафар энг кучли спортчи бор. Хиросимада Ўзбекистонликлар спортининг 23 тури бўйича иштирок этади.

Республикадаги мусобақаларда катта муваффақиятлар қилди. Спорт анжумани қатнашчиларига нонидан Миллий олимпияда кўмитаси президенти, Ўзбекистон Республикаси давлат спорт кўмитаси раиси С. Рўзиев, спорт усталари Р. Эргашев, И. Исоқов, республикада ки-мат кўрсатган мураббийлар А. Дин, Ш. Капкаев сўзга чиқиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш хусусида қилган-ган галмуҳавваларини учун республикамиз Президенти ва ҳукуматига

миннатдорлик билдирдилар, Хиросимадаги Осие ўйинларида мамлакатимиз спорт байрогини баланд кўтарамиз, деб ишонтирдилар. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов иштирок этди. (ЎА мухбири)

ФЕРУЗ ЮРТИДА ШОДИЁНА

Қадим Хоразм тупроғида шу масканда салкам ярим аср тахт соҳиб бўлган давлат арбоби, шоир, маданият ва маърифатнинг улкан ҳомийси — Сайид Мухаммад Раҳимхон Соий — Ферузнинг қутлу маърақаси нишонлади.

Шаҳар аҳли ва меҳмонлар билан гавжум қўна арк майдонида давлатимиз мадҳияси янгради. Республика Бош вазирининг ўринбосари С. Саидқосимов тантанани очиб деб эълон қилди. Феруз таваллудининг 150 йиллигини мамлакат миқёсида нишонлаш тўғрисида республика Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилгандан буён ўтган давр мобайнида буюк бобомизнинг номини тиклаш, асарларини нашр этиш, у зот қурдирган обидаларини таъмирлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шоир ҳаёти ҳамда ижодида бағишлаб кечалар, учрашувлар ўтказилди. Феруз сиймоси ойна жаҳонда ва театр саҳнасида яратилиб, жамоатчилик ҳуқмига ҳавола этилди. Хевадаги унинг номи билан боғлиқ тарихий маскани таъмирланди, ободонлаштирилди. Шодиёна кулиларида юбилей қатнашчилари — барча вилоят ва қўшни республикалардан таширф буюрган меҳмонлар, шонининг тақдир тақозоси билан ватандан ташқарида қолган авлодлари ана шу қайта таъмирланган қадимий обидаларни зиёрат қилдилар. Феруз номи билан боғлиқ қадимзолар халқ сайёҳлигига айланди.

Оғаий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри биносида илмий-маърифий конференция бўлди. Унда таъриқли олимлар, адиблар, тарихчи ва адабиётшунослар Ферузнинг истиқлол тўғрисидаги юртимизга муборак номи қайтгани, унинг юрт осойишталиги, улус бирлиги, маданият ва маърифат риважига қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирдилар. Анжуманда вилоят ҳокими М. Жуманиев сўзга чиқди. Юбилей таътаналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди. (ЎА мухбири)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ «ЎЗОИҚОВҚАТСАНОАТ» ДАВЛАТ-АКЦИОНЕРЛИК КОНЦЕРНИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ТўҒРИСИДА

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотишни кўпайтириш, ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат моллари билан истеъмол бозорини тўлдирिश, озиқ-овқат саноати корхоналари ва ташкилотларининг ишлаб чиқариш-ҳўжалик соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш асосида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш мақсадида: 1. Ўзбекистон «Ўзозиковқатсаноат» давлат-акционерлик концернини қайта ташкил этиш ва унинг негизига юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган қуйидаги мустақил ҳўжалик тузилмаларини ташкил қилиш тўғрисида озиқ-овқат саноати корхоналари ва ташкилотлари жамоаларининг тақлифлари қабул қилинсин:

- ег-мой ва тамаки саноати корхоналарининг «Еғмоятамакисаноат» уюшмаси;
- кондитер, чой ва пиво-спиртсиз ичимликлар саноати корхоналарининг «Озиковқатсаноат» уюшмаси;

2. Ўзбекистон «Ўзозиковқатсаноат» давлат-акционерлик концерни тизимига кирган давлат корхоналари ва ташкилотлари очиб тилдаги акционерлик жамиятларига айлантирилсин.

3. Белгилан қўйилсинки, «Еғмоятамакисаноат» уюшмаси мой ва тамаки хомашесини ҳарид қилиш, ўсимлик еги, маргарин маҳсулотини, совун ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ҳамда ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бириктирилади.

«Озиковқатсаноат» уюшмаси эса кондитер маҳсулотлари, чой, пиво, спиртсиз ичимликлар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бириктирилади.

4. Уюшмалар зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклансин:

«Еғмоятамакисаноат» уюшмаси зиммасига

Интеграциянинг бозор шакллари ривожлантириш, рақобатта бардошни маҳсулотини ўзлаштиришга қўмаклашиш, ташки иқтисодий фаолиятини кенгайтириш, ег-мой маҳсулотининг экологик жиҳатдан соф ва сифатли турларини ишлаб чиқаришни ташиқил этиш мақсадида қўшма корхоналар барпо этиш;

Замонавий техника, технология ва илгор тажрибани жорий этиш, мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш технология жараёнининг барча босқичларида чиқиндисиз ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ноубударчиликнинг олдини олиш;

Уюшма таъсисчиларига маркетинг хизматини таъминлаш, турдош корхоналар билан тиқорат қондаларига асосланган бевосита кооперация алоқалари ўрнатиш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишни кўпайтириш;

«Озиковқатсаноат» уюшмаси зиммасига

Четдан келтирилган хомаше ва моддий-техника ресурсларини ул-гуржи ҳарид қилиш ва уюшма қатнашчиларига сотиш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва импорт маҳсулотлар ўрнига ўзимизда шундай маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

Фаолият кўрсатишининг бозор шaroитлари уюшма корхоналари ва ташкилотларига ишни ташиқил этишда, уларни мулкчиликнинг хусусий ва бошқа ташиқиллик-ҳўкуқий шаклларида айлантиришга қўмаклашиш;

Озиқ-овқат хомашеси ва маҳсулоти ташиқил бозорларида ўзгаришларни ўрнатиш, фирма савдосини ривожлантириш, қорий шериқлар билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш ва бундай алоқаларни кенгайтиришга, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқаришларни ташиқил этишга доир тадбирларни амалга ошириш.

5. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида ушбу Фармонинг рўёбга чиқаришга оид таъқиқий тадбирларини қўзда тутишга қарор қабул қилсин.

6. «Озиқ-овқат саноатининг «Ўзозиковқатсаноат» концернини озиқ-овқат саноатининг Ўзбекистон «Ўзозиковқатсаноат» давлат акционерлик концернига айлантириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 майдаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Нуқсда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн еттинчи сессияси бўлди. Унда ўн иккинчи чакриқ Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ҳисобот дaвриядаги иши ва Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Олий Кенгашининг XVI сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Қорақалпоғистон Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков маъруза қилди.

Сессия «Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенеси тўғрисида» Конституциявий низоом қабул қилди. Биринчи чакриқ Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенесига ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайлов 25 декабрга белгиланди. Муҳокама этилган бошқа масалалар юзасидан ҳам тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров нутқ сўзлади.

(ЎА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибидagi ўзгаришлар тўғрисида

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 63 ва 72-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

- Бўрҳонов Эрондада Убраимович Нўрдошев Эркин Собиров Мўхторжон Тоғиев Кўчқор Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиш сайланди.
- Аҳмежон Абдухамид Абдураҳмонович бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан унинг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси ваколатлари тугаган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди айрим судьяларининг ваколатларини тугатиш тўғрисида

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 72-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

Қуйидагиларнинг ваколатлари тугатилган деб ҳисоблансин:

- Смарилов Юрий Иванович — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари, берган аризасига биноан;
- Голяев Георгий Геннадьевич — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судьяси, республикадан жўнаб кетганлиги муносабати билан.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 сентябрь

КАТТА ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД

26 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида халқаро валюта жағмармаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларига бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Халқаро валюта жағмармасининг II Европа департаменти директори ўринбосари Эдуард Брау Ўзбекистонда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотлар жараёни кўплаб қорийжи мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг диққат марказида турганини таъкидлади.

— Халқаро валюта жағмармаси республикада амалга ошириладиган иқтисодий ислохот жараёнини ва Ўзбекистоннинг ташқи сийсатини

қўллаб-қувватлаб, янада яқинроқ ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга интилоқда, — деди Э. Брау. — Ўзаро келишувга асосан яқин вақт ичида ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланади. Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, мамлакатда тинчлик ва осойишталик ҳукм сураётгани бизнинг ҳамкорлик сари интилишимизга кенг йўл очмоқда. Жағмармаимз иқтисодий ислохотлар жараёнини тезлаштириш мақсадида, Ўзбекистонга 140 миллион доллар миқдорда маблағ ажратмоқчи. Ҳайлайманки, бу маблағ яқин йиллар ичида юксак тараққийга эришиши тайин бўлган республикаимзга халқаро валюта жағмармасининг қўмағи бўлади.

(ЎА).

Шунингдек, меҳмон Ўзбекистоннинг бирор давлатдан қарздор эмаслигини, бу эса республика раҳбариятининг иқтисодий ва молиявий сийбат соҳасида аниқ режаларга асосланган пухта иш ортиратганининг натижаси эканлини мамнуният билан қайд этди.

Э. Брау журналистларни қизиқтирган қўшгина саволларга жавоб қайтарди. Матбуот конференциясида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов ва жағмармарминг Ўзбекистондаги вакили Иштарван Цалкан иштирок этди.

(ЎА).

1994 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТАЙЁРЛАШ БўЙИЧА 26 СЕНТЯБРГАЧА БўЛГАН МАЪЛУМОТ



Рангага нисбатан фонд ҳисобида тайёрланган

| Вилоятлар | Жами | | Шу жумладан машинада тарилган | |
|-----------|-----------|--------------------|-------------------------------|--------------------|
| | Бир кунда | Мавсум бошдан бери | Бир кунда | Мавсум бошдан бери |

| | | | | |
|---------------------------------------|------|-------|------|-------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1.84 | 19.30 | 0.38 | 1.49 |
| Андижон | 3.35 | 37.43 | 1.07 | 2.94 |
| Бўхоро | 2.33 | 62.14 | 0.21 | 2.38 |
| Жиззах | 2.25 | 15.35 | 1.78 | 6.45 |
| Қашқадарё | 3.39 | 37.51 | 3.07 | 17.45 |
| Навоий | 2.81 | 48.33 | 1.36 | 7.28 |
| Наманган | 2.80 | 24.90 | 1.10 | 3.91 |
| Самарқанд | 2.68 | 43.27 | 1.16 | 11.82 |
| Сурхондарё | 2.30 | 44.31 | 1.33 | 13.80 |
| Сирдарё | 1.06 | 8.28 | 0.38 | 0.71 |
| Тошкент | 2.39 | 15.14 | 1.51 | 4.71 |
| Фарғона | 3.00 | 40.54 | 0.69 | 3.04 |
| Хоразм | 2.45 | 49.28 | 0.21 | 1.15 |
| Ўзбекистон Республикаси бўйича жами | 2.52 | 34.13 | 1.17 | 6.27 |
| 1993 йил шу кунгача тайёрланган пахта | 1.44 | 11.54 | 0.32 | 1.38 |

Шу жумладан ингичка толали пахта

| | | | | |
|---------------------------------------|------|-------|------|------|
| Қашқадарё | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Наманган | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Сурхондарё | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| Ўзбекистон Республикаси бўйича жами | 0.00 | 0.00 | 0.00 | 0.00 |
| 1993 йил шу кунгача тайёрланган пахта | 1.48 | 14.02 | 0.00 | 0.00 |

ТУМАН ҲОКИМИ ЎЗГАРДИ

Боевут туман кенгашининг набатдан ташқари сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ғ. Алиев аризасига кўра туман ҳокими вазифасидан овоз қилинди. Усмон Юсупов номидаги шриқатлар уюшмаси раиси лавозимда ишлаб келаётган Аҳаткул Пиримқулов туман ҳокими этиб таъдиқланди.

Сессияда вилоят ҳокими Ғ. Ҳасанов «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси ақуларни ва Президент Ислам Каримовнинг Маъруза сессиясида сўзлаган нутқидан ўртага қўйилган вазифалар тўғрисида» маъруза қилди.

(ЎА).

Ўзбекистон ва жаҳон

ЛОНДОНЛИК ИККИ ОЛИМ ВА ТАДБИРКОР ЭЪТИРОФИ

«Ўзбекистондаги сийвий барқарорлик, халқнинг юқори маданият ва кенг маъмулота эгаллиги бу ерда тадбиркорликни халқаро даражада ривожлантиришга кафолат беради. Биз беш кун давомида юртимизга бўлиб, тури доираларида учрашувлар ўтказиб, бунга каттиқ ишонч ҳосил қилдик», — дейишди жўнаб кетишдан олдин Англиядан таширф буюрган ҳўкук ва менежмент билан шуғулланувчи олимлар мистер Дэвид Стирак ва доктор Иан Ходжсон.

Машҳур дорилфунун қошида ташиқил қилинган «Оксфорд консолтант» адвокатлар фирмаси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиаконструкциясининг Лондондаги вакилатхонаси ўртасидаги ҳамкорлик бошланганига кўп бўлган йўқ. Бироқ ривожланаётган мамлакатлар иқтисодийта сарнов сарфловчи тадбиркорлар фаолиятини мувофиқлаштиришда ҳўкуқий хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган бу халқаро ташкилотнинг эътиборини мустақиллик йўлида дадил ривожлантаётган Ўзбекистон ўзига қаратади. Негаки, бу ерда тадбиркорликни дунё миқёсида ривожлантиришининг кенг имкониятлари мавжуд. Табиқий, сармодорлар ҳамкорликнинг ҳўкуқий томонларига жўда кизикадилар. Қолаверса, Ўзбекистоннинг иқтисодий

уюшмасининг фаолияти билан кизикишди.

Англиядан таширф буюрган жабоблар юртиларига жўнаб кетишдан олдин Тошкент аэропортида журналистлар билан кизика мулоқот ўтказдилар. Сўхбат давомида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиаконструкциясининг бош директори Ғани Рафиков, авиаконструкциясининг Лондондаги ваколатхонаси директори Александр Степанов ҳазир бўлишди. Жабоблар ўз таъсуротларини баён этиб, Ўзбекистонда амалга ошириладиган ишлардан қонқиқчи ҳосил қилганликларини, Президент И. Каримов асослаган беш таъсийлик мамлакатни юқори тараққийет босқичига олиб чиқшига ишончлари юқили эканлигини эътироф этишди. Журналистлар олимларнинг ўз юртиларидан амалга оширишни мўлжаллаган ишлари билан кизикишди. Улар сармодорлар ва ишбилармонларнинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатишига ердам берадиган ҳўкуқий қўлағмалар чоп этишларини, маслаҳатлар беришларини ва бошқа адвокатлик юмушларини адо этишларини маълум қилишди. Шунингдек, бу

фирма Англия ва Ўзбекистон ҳўкуматлари ўртасида иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда ҳам қўмаклашиши мумкин. Чунончи, Тошкентда ишлаб чиқарилган «Ил»-нинг янги турини сийновдан ўтказиши маблағ билан таъминлаш йўлга қўйилди.

«Халқ сўзи» мухбирининг «Меҳмонларимизнинг юртимиздан олган таъсуротлари, албатта, бизни қизиқтиради. Улар Самарқандда ҳам бўлишди» деган саволга жабоблар ҳаммон ва саманит билан кўранлардан ортирган туйғуларни қалбларига сиймаслигин, Самарқанд гоат бетнисол ва гўзал шаҳар эканлиги тўғрисида галла-галдан муфассал сўзлашди. Улар бу шаҳарда турганини ривожлантиришнинг катта имкониятлари борлигини, шу юзасидан Америкадаги баъзи сийейлик идораларига тақлифлар юборишни мўлжаллаганиклиларини маълум қилдилар. Шунингдек, улар ўз ҳўкуматларига Ўзбекистонда телекоммуникация ва қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, ирригация соҳасига сармолларини жалб этиш қатта фойда келтириши мумкинлигини изҳор этяажалларини билдирдилар.

Меҳмонлар билан мулоқот самийини ўтиди, улар янги режалар билан тўлиб-тошиб жўнаб кетдилар.

ҲАКИМ САТТОРИЙ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАҲРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТўҒРИСИДА

Республикада солиқни сақлаш, тиббиёт фанини ривожлантириш ва юқори малакали илмий ходимларни тайёрлаш ҳамда халқ саломатлигини муҳофаза қилишда самарали даволаш усулларини қўлашга салмоқли хисса қўшадиган учун Н. А. Семашко номидаги тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий текшириш институтини Ўзбекистон Республикасининг Фаҳрий ёрлиги билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 26 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИОТЕРАПИЯ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ СОғЛИҚНИ САҚЛАШДА ЎРНАК КўРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТўҒРИСИДА

Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришдаги намунали хизматлари ва аҳолига тиббий ердам кўрсатишга муносиб хисса қўшадиган ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соғлиқни сақлаш ходими»

- ЙўЛДОШЕВА Сайера Назировна — бўлим мудири
- УМАРОВА Холдихон — болалар бириктиришнинг раҳбари
- Ўзбекистон Республикасининг Фаҳрий ёрлиги АЛИОХУНОВА Мавжуда Юсуповна — бўлим раҳбари
- АҲРОВА Холда Саидқариевна — бўлим мудири
- ЗУБКОВА Лидия Зокирова — ҳамшира
- МУСАЕВА Матлуба — катта ҳамшира
- РАҲМАТУЛЛАЕВ Ҳамидулла Убайдуллаевич — катта илмий ходим
- СУЯРОВ Холдикберди — бўлим мудири
- ТОРКИНА Ефакерия Степановна — шифокор

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 26 сентябрь

Қишлоқда ислоҳот қандай борапти?

Юртимиз харитасида салмоқли жойин эгаллаган Чироқчи ҳаётига...

давлатга сотдик. Хусусийлаштириш ва тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги туфайли шахсий эрдачки хўжаликлар катта натижаларга эришмоқда...

“Узмеваузумсаноат” концерни кўмағида Еттитомда узумни қайта ишлайдиган кичик корхона қурдик. У йилга 15-20 минг тонна помидорни қайта ишлади...



ҲАМКОРЛИККА ДАЪВАТ

Тоғли Қорабоғ муаммоси бўйича халқаро конференция раиси Ян Элиассон Эрон ҳукумати билан...

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ФИКРИ ШУНДАЙ

Америка Қўшма Штатлари маъмурияти Япония билан Россия Федерацияси ўртасидаги ҳудудий муаммолар қонуний ва ҳаққоний йўл билан ҳал этилиши тарафдоридир...

Япония Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Иохэ Коно билан бўлган сўхбатда шу ҳақда гап борди. Шунингдек, у Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин билан бўладиган учрашувда ҳам бу муаммага тўхталганини айтди.

ЧАРАҚЛАЙДИ ЧИРОҚЧИНИНГ ЧИРОҚЛАРИ

68 минг бош қорамол, шу жумладан 32 минг бошга яқин соғин ситир, 250 минг бошдан зиёд қўй-эчки парварши қилинмоқда. Қўй-сўт билан одамлар ўзларини тўла таъминлашаётир. Уларнинг барчаси айловларни сақлаб қолиш, галлазорларни кенгайтириш эвазига қилинмоқда.

заводи қошида қад кўтарган нотўқима материаллар корхонаси ҳадемай маҳсулот бера бошлайди. Йилга 500 тонна толали илга айланттирадиган корхона қурилиши давом этмоқда. Учинчи корхона газлама чиқаради. 1000 киши ишлайдиган бу корхоналарда пахтани йиғириш, тайёр маҳсулотга айлантириш жараёни тўла амалга оширилди.



— Ота-боболаримиз мўқаддас туپроғимиз завоқ толмаслиғи учун юракларини чироқдек ёққанлар. Шунинг, қўтлуғ ниятлар ушлаган кунларга келдик. Истиқлол бутунлай янгича фикрлайдиган ишбозиларни юзага чиқармоқда. Туман раҳбарлигини қабул қилган кезларингизда ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, тиник суви лойқалантиришга уринган кишилар билан ҳам ишлашга мажбур бўлганимизни эсламай...

— Эътироф этиш кераки, замон зайлини тушунмаган, амал-мартобага ўч айрим кишилар бўлди. Бундайларга, майли, ишланг, аммо эллай олмасангиз, бошқаларга халақит берманг, дедик. Кимнинг ниммага қодирлигини одил ҳакам — вақт ўзи кўрсатапти...

Туман марказдан анча узоқда, шароити мураккаб бўлган Файзулла Ҳужав номили хўжалиғимиз бор. Уни Бобоқул Абдурахмонов бошқара бошлагач, янгиликлар деди жорий этилди. Айрим юқарчи жомалар пахта теримининг дастлабки кунларидеяк йиллик режани бажариб қўйилди.

“Пахта иш” туфайли жабр қўрган Ҳолиқул Раҳмоновни олиб қўрайлик. Техника муҳандиси бўлган бу йигит бошдан ташвишлари ариғач, ўзини меҳнатга олиб. Ҳозир Қарим Содиков номили жомоа-ширкат хўжалиғига бошчилик қилапти. Жуда катта имониятлар яширинган “Чиял” деган хўжалиғимизни олайлик. Қарийб 20 минг гектар ерга

ишланг учун уларга ҳисоб рақамлари очиб бериш хусусийлаштиришнинг зарур шартларидан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Лекин, баъзи вилоятларда, жумладан, Тошкент шаҳрида мажур масалага етарли эътибор берилмаётгани бу ҳудудларда дори-дармон таъминотини анчагина оғир аҳолига солиб қўйди. Ҳозирги кунда пойтахтнинг 170 дорихонадан фақат тўққизтагинаси ҳисоб рақамни очиб, атиги учта дорихона мустақил равишда дори-дармон олиб кела бошлади.


Ақционерлик жамиятларига айланттирилган дорихона муассасалари эса ақция чиқаришга етарли эътибор бермаёттир. Бундан ташқари, Навоий, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ва Тошкент шаҳрида хусусийлаштирилган айрим дорихоналар ўз ишларини тўдан ислоҳ қилиш ўрнига ҳалигача боқимандлик кайфиятида ишламоқдалар. Яъни, улар четдан дори харид қилиб келиш орқали республикада дори-дармон таъминотини бойитиш бир ёқда қолди, ошборхоналардан — марказлаштирилган ҳолда дори келтирилишини кутиб ўтиришди.

Валолани, пойтахтдаги “Абу Али ибн Сино” жомоа дорихонаси, “Жўрабек”, “Ношир” ва Қарши шаҳридаги “Илхом” хусусий дорихоналари аҳолини ҳамда бошқа дорихоналарни ҳам дори-дармон билан таъминлашни муваффақиятлик амалга оширмоқда. Демак, янги нақшда самардор ишласа булар экан-ку!.. Буғун ўз ишнинг янгица янги қўйган ана шундай дорихоналар сайё-ҳаракат билан мамлакатимизга келтириладиган дори-дармонлар ҳажми кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

— Президент Фарониде Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Дори-дармон” уюшмаси ва республиканинг дорихона муассасалари раҳбарлари зиммасига дори-дармонларнинг зарур турлари маъмуллик ва улар республика аҳолисига эркин тарзда сотилишини таъминлаш вазифаси юклатилган. Аввало, ҳужжатда қандайдорилар назарда тутилмоқда! Иккинчидан, Фармон кичи ой мобайнида ушбу вазифани бажариш юзасидан сизнинг уюшмагиз қандай ишларни амалга оширдиди!

— Буғунги кунда ҳаётин зарур ҳисобланган йигирма хил дори, хусусан, йод, зенкен, анальгин, аспири кабиларнинг рўйхатини тасдиқладик. Яъни шифоқорга учрашганда керак бўладиган ушбу дорилар ҳар бир дорихонада бўлиши шарт. Аммо таъминотдаги Сўхбатае сўзсиз:

Ота-бобо-рлимиз “ҳаракатда — баракат” деб бекорга айтамаганлар. “Дори-дармон” давлат акционерлик уюшмаси раҳбари билан мулоқотдан сўнг таъминотдаги оғир аҳолига яхшилаш, тақчилликни бартараф этиш борисида соҳада маъмул ишлар амалга оширилмаётганидан хабардор бўдик, маъжур муаммолар билан танишдик. Хар қалай, дорихоналарда пештахаларда шомол ўйнаётган, шифоқорлардан касалхоналарга бепуа ажратилган дори-дармонни талаб қилиб олиш маълумати ва ариҳаҳол ишга айланган бугунги кунлар ортда қолишча, бу соҳа осмонда ҳам узоқ қутилган тонг ота бошлагача умид билан тахририятга қайтмоқ. Илхом, ҳар кимнинг меҳнати рўбеба қиссин, эл олдига юзи еруғ бўдсин!



Шофиркон туманида Туркия билан ҳамкорликда “Варонез” кўшма корхонаси ташкил қилинган эди. Шу кунларда корхона чеварлари тикан кийим-кечақларга эҳтиж катта. СУРАТДА: Туркиядаги Бурсал фирмасининг йиғиш-тиқиш бўйича катта устаси Махмед Акман ва корхона бош директори Қиемиддин Қўлдошевлар тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда. Ҳ. ҚУРБОНОВ тасвири.

Бу ҳақда Олий Кенгашининг XVI сессиясида гапирилди

АСАЛСIZ НОНУШТА ҚИЛМАЙДИГАН ОЙЛА

Мирзабобил Абдураул Назаров олмаси асалсиз нонушта қилмайди. Боз устига дастурхонага бо сьмьатининг икки хили — тоғ ва гул асади тортилади.

Шунингдек, йил давомида улар турли мезо, ҳатто лимон ва зурмо ҳам истеъмол қилиншиди. Рост гап, Абдураул ака бирор жойда ишлаб бўмай машо оладиган одам эмас. Унларни ҳам толган пулқарга ун, шакар, ёғсингари олиқ-оқатлардан ўзга нарса сотиб олишмайди. Чунки онланг эҳтижи тўлиқ томорқа ҳисобига қондирилди.

Абдураул Назаровнинг ҳовлиси Қўрғаник боғини эслатади. Дарвоқе, гоҳида қишлоқ мактаби ўқувчилари ботаника ва зоология дарсларини шу ерда ўтказишар экан. Улар бу ерда оддий олмадан мурч дарахтигача бўлган наботот олами табиатини муҳофаза қилиш кўмитасининг жомоатчи назоратисини. Шунинг эътиборлики, ҳали овчи бўлиб, полопон бор бирор паррандани отган эмас. У боласи бўлса, бўрини ҳам нишонга олмайдиган кишини ҳақийқи овчи ҳисоблайди. Абдураул ака яшаётган қишлоқ яқинида “Пахтабод” номили табиий қўл бор. Сўнгги пайтларда 15 гектарлик бу сув ҳавзаси қуриб қолш холтига келган. Боз устига, бир вақтлар от юрса овчи нига ботадиган қўл атрофида эндиликда бирор жониворни учратиш қийин бўлиб қолмоқда. Қўлда мўйна берадиган турли сув каламушлари сероб эди. Назоратсизлик оқибатида уларга қирон келтирилди. Ҳозир Абдураул ака шу қўлнинг ташвишларини ҳам ўз зиммасига олган. Унинг айтишича, қўлни тиклашга эътибор кўчайтириш, бу ерда каттагина мўйна ва балчиқлик хўжалиғи яратиш мумкин.

Абдураул акага фарзандлардан қўла қўла берган. Ун ўғил ва бир қиз бор. Қизини турмушга қиариб, тўрт ўғилни уйлантирган. Бу катта онлангнинг ҳамени битта. Рўзгорда кам-қўст йўқ. Уттиз бо га қин мол-Тайёрланган асал оила дастурхонини тўкин қилибгина қолмай, мўмай даромад ҳам келтирмоқда. Абдураул Назаров бу йил яна бир хайрли ишга қўл урди. “Мирзабобил” ширкатлар уюшмасининг 4,5 гектар ташландиқ ернин суний қўлга айлантириб у ерда балқ етиштиришга киришди. Сув юзасини ҳам бўш қолдирмади: қўлга ўрдак ва гоҳ қўйди. Қўл атрофидаги бир гектар ерга 10 минг туп терак эди.

Аҳмадддин ШЕРНАЗАРОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

Долзарб мавзу

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ БОШЛАНДИ. КЕЙИН-ЧИ?

Мамлакатимиз Президентини Исом Каримовнинг 14 июлда чиққан “Республикада дори-дармонлар сотилиши тартибга солиш тўғрисида”ги Фармони тадбиркорлик, эркин иқтисодиёт деган сўзларни “ўзларича тушунаган” кимсалар бозорини касод қилди. Тегинли адоралар, ҳуқуқ-тартибот органлари кишилар саломатлиғи учун зарур дори-дармонларни “отасининг нарҳида” пулдаб, чўнтак қаппайтириш йўлига ўтган бундай нопок шахсларнинг нарҳини тийиб қўя бошладик.

Махсус текширувлар натижасида бозорлардаги дорифуршлар енидан чиққан дори-дармон маҳсулотининг дариин ярни ишлатишга бутунлай ярқисиз экани аниқланди. Дуч келган одам ҳалқимиз саломатлиғи гарови — дорилар билан кўча-кўйда савдо-сотиқ қилишга чек қўйилди. Лекин нарҳи ҳалакат отган кимсалар ҳуфи ошборларда сақлаётган минглар сўмлик қамеб дори-маҳдудлар ҳамон топилиб, мусодара қилинмоқда.

Юқорида тилга олинган Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси “Республикада дори-дармонлар ва тиббий жиҳозлар билан таъминлашни яхшилашнинг кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” қарор қабул қилди. Унда, жумладан, “Дори-дармон” давлат акционерлик уюшмасига давлат мулкини бошқариш ва ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси билан биргаликда 1994 йилнинг иккинчи ярмида дорихона муассасаларини давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича ташкилий тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилган. Ушунга бошқариш раиси Хайрулла Раҳматуллаев билан сўхбатимиз бу борада эришилган ютуғу камчиликлар муҳокамасидан бошланди.

— Юртимиз истиқлолга эришгач, бозор иқтисодиётига бошқича-бошқич ўтиш жараёни бошланди. Жумладан, иккинчи соҳалар кинда биринчилардан бўлиб дорихона муассасаларини давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш сари дадил одам ташланди. Йилнинг иккинчи чорлагидея режадан 205 та ўрнига 360 та дорихона хусусийлаштирилди. Июль-август ойларидея эса 908 дорихона мулк шаклини ўзгартирди. Бугунги кунга келиб жами — 718 та хусусий, 127 та жомоа, 423 та акционерлик дорихона корхоналари ташкил қилинди. Хусусийлаштиришнинг биринчи афзаллиғи шу бўлдики, республикадаги 16 та таъминотчи бирлашма енига юзлаб таъминотчилар қўшилди. Айтайлик, июль-август ойларидея республикамизга олиб келинган 57,1 миллион сўмлик дори-дармоннинг 41,6 миллион сўмлиги хусусий дорихона, қўшма корхона ва фирмалар ҳиссасига тўри келди. Хусусийлаштириш жараёни айниқса Тошкент, Самарқанд, Андижон вилоятларида-рида юқори суръатда амалга оширилмоқда.

— Хайрулла ака, аёнки, ислоҳотдан асосий мақсад — иқтисодий юксалиш, юрт фаровонлиғи, тўкин-сончилик. Соҳагизда хусусийлаштириш борисида эришилган муваффақиятлар натижаси нима учун республикамиз дори-дармон таъминотида сезиларли таъсир кўрсатмапти! Хусусийлаштириш — фақат ном ўзгарттиришдир — нобрат бўлиб қолмайтирмикин!

— Саволнинг ўрнили. Ислоҳот жараёнида учраётган айрим тўсиқ ва муаммоларни, тасуусфики, ютуқларинизга соя ташламоқда. Айтайлик, мулчилик шаклини ўзгарттирган дорихоналар мустақил

узилишлар ҳозирча бу муҳим тартиб-қондан тўла амалга ошириш имконини бермапти. Шу ўринда фуқароларимиз манфаатларига хизмат қиладиган бир энгилик ҳақида тўхталмоқчиман. Маълумки, илгари давлат тасаруфидея бўлган дорихоналар орқали 45—46 хил дори беморларга бепул берилар экин имтиез билан тарқатилар эди. Биз ушбу тартибни сақлаб қолишга муваффақ бўдик. Бундан буён ҳам, мулчилик шаклдан қатий назар, ҳар бир дорихона, фуқароларимизга бепул ва имтиезли респептлар асосида дори-дармонлар бераверардик.

— Дорихоналарда оддий бўлиб пештахаларининг бўшлиғи, тижорат бўлимида эса дори бор-у, юқори баҳода бўлиши ҳам оддий тусга киримоқда... — Бунинг ўзига ҳо сабаблари бор, албатта. Аввало, хоржий фирмалар билан келишиб, сотиб олаётган дориларнинг қимматга тушмоқда. Уларни аҳолига арзонга пуласак, эртага қаргача ботамиз ва ўша фирмалардан яна дори харид қилиш имкониндан маҳрум бўламиз. Иккинчидан, бугун ҳамма жойда эркин нарҳлар жорий қилинмоқда. Уйлайманки, таъминотни яхшилаб олсак, кунтагил натижа — рақобатин юзага келтирсак, нарҳлар тушади. Маҳаллий дорипазлик корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган дориларга келсак, улар тижорат бўлимларига берилаётганини кўришимиз мумкин.

— Дори-дармон таъминотини яхшилаш маҳаллий дорипазлик саноятининг аҳамияти қандай! — Маҳаллий дорипазлик саноятимиз бугунги талабининг 5-8 фоизини бажармоқда, холос. Ҳозир жаҳоннинг қўллаб-мамлалатлари билан ҳамкорликда кўшма корхоналар очилмади. Хоржийнинг етачки дорипазлик фирмалари юртимизда янги корхоналар қуришини бошлаб юборган. Жумладан, Хиндистоннинг “Гуфчи” ва “Аджанта” фирмалари билан ҳамкорликда Бухоро ҳамда Сурхондарё вилоятларида қуриладиган дорипазлик корхоналарини янги йилгача ишга тушириш мўлжалланмоқда. Буларнинг барчаси келгусида ўз самарасини бериши шубҳасиз. Бугунги кунда эса фақат четдан дори-дармон келтириш орқали таъминотимизни яхшилаш мумкин. Германиянинг “Шеринг АТ”, “Хекст”, Словения Республикасининг “Лек”, “Криа”, Швейцариянинг “Сиб-гайга”, “Хофман лан рош”, АҚШнинг “Пфайзер”, “Шеринг плау”, “Апджон” компанияси ва бошқа хоржий фирмалар билан шартномалар имзоладик ва дорилар келтиришга бошладик. Ҳозирда таъминотни яхшилаш мақсадида ҳам давлат томонидан, ҳам хусусий дорихоналар томонидан маҳсулот келтириш янада фаоллашди.

— Буғунги кунда ҳаётин зарур ҳисобланган йигирма хил дори, хусусан, йод, зенкен, анальгин, аспири кабиларнинг рўйхатини тасдиқладик. Яъни шифоқорга учрашганда керак бўладиган ушбу дорилар ҳар бир дорихонада бўлиши шарт. Аммо таъминотдаги Сўхбатае сўзсиз:

Ота-бобо-рлимиз “ҳаракатда — баракат” деб бекорга айтамаганлар. “Дори-дармон” давлат акционерлик уюшмаси раҳбари билан мулоқотдан сўнг таъминотдаги оғир аҳолига яхшилаш, тақчилликни бартараф этиш борисида соҳада маъмул ишлар амалга оширилмаётганидан хабардор бўдик, маъжур муаммолар билан танишдик. Хар қалай, дорихоналарда пештахаларда шомол ўйнаётган, шифоқорлардан касалхоналарга бепуа ажратилган дори-дармонни талаб қилиб олиш маълумати ва ариҳаҳол ишга айланган бугунги кунлар ортда қолишча, бу соҳа осмонда ҳам узоқ қутилган тонг ота бошлагача умид билан тахририятга қайтмоқ. Илхом, ҳар кимнинг меҳнати рўбеба қиссин, эл олдига юзи еруғ бўдсин!

Гулом МИРЗО, (ЎзА).

• МИРЗО УЛУҒБЕК ТАВАЛЛУДИНИНГ 600 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Мустақил мамлакатимиз ҳаётида маънавиятимизни янада юксалтириш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилган...

Не-не замонлар синовидан ўтиб, бизгача етиб келган, бебаҳо ҳазиналиги билан жумлан жажон эътиборини ўзига торган, тортаётган бу обидалар кўзимизга тўтн бўлаётгани ҳаммамни қувонтириш шубҳасиз...

этиш. Ҳозир шу мақсадда нодир ҳужжатлар нусхалари тайёрланмоқда. Англиядagi Бодлеан кутубхонасида сақланган Улуғбекнинг тахта ўнгран ҳолати тасвирланган миниатюра орқали унинг подшоликка тайинлангани ҳам кўрсатамиз. Музейда Улуғбекнинг олим бўлиб шаклланиши ҳақида ҳикоя қилувчи саҳифалар ташкил этишни режалаштирганмиз.

THE 1995 EDMUND S. MUSKIE FELLOWSHIP PROGRAM THE 1995 FREEDOM SUPPORT ACT GRADUATE FELLOWSHIP PROGRAM OPPORTUNITIES FOR GRADUATE STUDY IN THE USA

The Government of the United States of America and the American Embassies announce the 1995 Edmund S. Muskie Fellowship Program and the Freedom Support Act Graduate Fellowship Program.

Subject to the availability of funds, the Edmund S. Muskie and Freedom Support Act Graduate Fellowship Programs will provide:

Approximately 350 Fellowships, one year or two years in length for graduate study in the USA, some of which may lead to a degree or certificate from a U.S. institution.

Fields: Business Administration, Communications/Journalism, Economics, Education Administration, Law, Library and Information Science, Public Administration, Public Policy

Competition for the Edmund S. Muskie and Freedom Support Act Graduate Fellowship Programs is merit-based and open to any individual who meets the following criteria:

- Citizen of Armenia, Azerbaijan, Belarus, Estonia, Georgia, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Latvia, Lithuania, Moldova, Russia, Tajikistan, Turkmenistan, Ukraine, or Uzbekistan
- Under the age of forty (40) at the time of application
- Hold an undergraduate degree (five-year program) with good academic standing by July 1995
- Proficient in written and spoken English at the time of application
- Able to demonstrate professional aptitude and leadership potential in their field of specialization
- Able to begin study in the United States in Summer 1995

Participation in the Edmund S. Muskie and Freedom Support Act Graduate Fellowship Programs is contingent upon the ability to receive and maintain a U.S. visa.

The following individuals are not eligible to apply:

- Spouses of U.S. citizens
- Individuals currently enrolled in academic programs in the United States
- Persons residing, working or earning a living in the U.S.
- Individuals who have applied for an immigrant visa or political asylum to any country

The Edmund S. Muskie and Freedom Support Act Graduate Fellowship Programs do not discriminate on the basis of race, color, sex, religion, national origin, ethnic origin, handicap, or disability.

Support for the Edmund S. Muskie and Freedom Support Act Graduate Fellowship Program is provided by the United States Information Agency.

The Program is administered by:

- American Council of Teachers of Russian/American Council for Collaboration in Education and Language Study (ACTR/ACCELS)
• Institute of International Education (IIE)
• International Research & Exchanges Board (IREX)
• The Soros Foundation

Further information and applications are available from the educational advising center and office listed below. Individuals from regions not listed below should contact the closest center for information about obtaining applications. Applications are free of charge and can be photocopied.

Muskie/FSA Fellowship Programs ACCELS 16-A Lahuty Street, 7th Floor, Room #716 700015 Tashkent, Uzbekistan Tel: (312) 56-55-47

Completed applications for the 1995 Edmund S. Muskie and Freedom Support Act Graduate Fellowship Program must be received by one of the offices by October 28, 1994.

ЎЧМАС ЮЛДУЗ



дарвозани курдирган. Биз нафақат мақбарани, балки ҳовлини ҳам асл ҳолига қайтаришни мақсад қилганимиз. Ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ҳаммаси бўлиб бу ерда 3,5 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини бажаришимиз керак.

бошқаради. Мадраса иккинчи қавати қурилиши ниҳоятга етказилиб, энди юшорилорли юмушлари бошлаб кўрилди. Бу мадрасада шу кунга қадар бажарилган энг катта ишлардан бири. Айтишларича, XVIII асрда рўй берган зилзила натижасида мадрасанинг иккинчи қавати кулаб кетган экан. Қурувчи ва усталар мадраса биринчи қаватидаги ҳамма юшорилорли ишларини тасмоллаб, ҳонақо ҳамда иккинчи дарсондаги ганҷкорлик, муқарнас юмушларини юбилейга қадар ниҳоятга етказиш ниятида меҳнат қилмоқда. Мадрасанинг кириш қисми, яъни майдонга қараган тарафиди қурилиш ва таъмирлаш ишлари битди. Бу ўринда 20 йилдан бери қосинокорлик ва таъмирчилик қилиб келаётган, Шох Зинда, Регистон ансамбли, Ҳазрати Хизр маҷити, Ташкентдаги Абулқосим мадрасасини тиклашда фаол иштирок этган қўлғул уста Мирумар Асадов номини алоҳида таъкидлаш керак. У нафақата чиққан бўлишига қарамай, ўз фарзанди ҳамда ишлари билан астойдил, худди заргарлар сингари ишлайди. Айни кунларда улар мармар ўймакорлиги билан машғул. Бундан ташқари Мирхамид Асадов, Пўлат Ҳасанов, Фазлиддин Камолов, Рўстам Тоҳиров, Абдуворис Фаттохов, Амриддин Намжинов, Раҳим Умаров, Мирҳабиб Абборов, Насрулло Соҳибзааров, Мирқамол Асадов, Толиб Ҳақимов сингари кўплаб усталарнинг фикдоркорлиги тахсинга лойиқдир.



бино сатҳи ҳозиргисидан кўра 67 сантиметр юқорироқда, пойдеворларнинг ўртача баландлиги эса 1 метру 40 сантиметр бўлган.

Улуғбек расадхонаси ва аллома яратган академия ҳақида таърифлар кўп. Ана шулардан бири Абу Тоҳир Ҳўжа қаламига асосан:

"Мадраса мансабидан тўрт йил ўтган, Мирзо Улуғбек Қозинда Румий, Мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва Мавлоно Мўйинидин Қошиш билан кенгашиб, Обираҳмат ариғнинг киргоғиди Кўҳак эстагида расадхона биносини тиклаб, унинг тавароғига баланд-баланд ҳужралар курдирди, расадхона жойлашган тепалиқнинг эстагини эса ажойиб боғ қилиб, вақтинлик қўпни шу ерда ўтказиб бошлади".

Кундузи қувш, тундаги ой, эъл денгиз, ҳақиқат йўлини кўрсатувчи бобомиз курган расадхона ҳадемай юбилей тантавалари қатнашчиларини кутиб олишга тайёр бўлади. Расадхона мажмуи иккинчи қаватидаги юмушлар ниҳоятга етказилди.

Шоша-шошарлик қилганимизда, ҳужраўрсинга иш тутганимизда расадхонанинг таъмирлашнинг бундан беш-олти ой олдин ҳам тасмоллашимиз мумкин эди, — деди биз билан суҳбатда Улуғбек расадхонаси мажмуи директори Нодир Акромов. — Бирок ундай қилмадик. Чунки "шундай бир иш қилалйкин, аждодинимиз Мирзо Улуғбекнинг тўйига муносиб музей курғазмас яратайлик" деган фикр каттаю кичик, вилоят ва шаҳар раҳбаридан то оддий музей ходими кўнглида ҳукморан эди. Қайта-қайта муҳокамалардан сўнг бўлажак музейнинг тузилиши ва мундариҳасига 5-6 марта тузатиш киритдик. Чунки ташкил этилажак музей ёдгорлик музейи бўлиб қолиши керак-да. Бу, албатта, осон кечмайди. Чунки Улуғбек бобомиздан шахсий буюмлар қолмаган, у зот қаламига мансуб китобу қўлёзмаларининг жуда оз қисминга бизгача етиб келган. Шу боис ўрта йўлни танладик: музейни соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳикоя қилувчи асори-атқалар билан жиҳозлашга қарор қилдик. Чунки Темур ва Темурийлар дари тарихи халқимиз тарихида ҳали етарли даражада ўрнанилмаган саҳифадир. Ёдгорлик музейи ташкил этишдан асосий мақсад инкита: биринчидан, албатта, улуг аждодинимиз Улуғбек таваллуд тоғлан кунга муносиб соғва ҳозирлаш. Иккинчидан, Темур тузган давлат ҳамда унинг тузилишига сабаб бўлган ички ва ташқи сабабларни қисқа, лўнда қилиб кўрсатиш асносида Темурийлар инсониятга нима бергани, улар маданият, илм, санъат ва давлатчилик соҳасида ўзларидан қандай мерос қолдиргани ҳақида одамларга ихчам, бироқ кенг қамровли маълумотлар тақдим

ЎРИ АМИР МАҚБАРАСИ

Сафар давомида кўрган-кечирганларимиз баънини ушбу табаррук қадимдан бошлашга жазм этдик. Шаҳар марказида савлат тўкиб турган бу мақбара рўпарасидан бераво ўтнб бўлмайди. Чунки мейворий икроси мукаммаллиги жиҳатидан бу жаҳонда танҳо обида. Қолаверса, ушбу мақбарани 1370 йилда тахта чиқиб, дорупфанодан дорубоққа риклат этганига қадар ҳаёт-мамот жанглариде мағлублик наелигини ишларни кўриб ҳам кўзингиза қувнайди, ҳам кўнглингиза фахр-иштор туйғурганга тўлади.

УЛУҒБЕК МАДРАСАСИ

Гўзаллиги билан бетакор Регистон мажмуида юбилейга тайёрларлик юзасидан маҳаллий усталар бажарилган ишлар хусусида ҳикоя қилишдан аввал улуг бобомизнинг табаррук номлари билан атайувчи мадраса ва у жойлашган майдон тарихи ҳақида кички оғиз сўз. Мазкур мадраса Мирзо Улуғбек фармони билан уч йил ичида қурилган. Қурилиш ишлари 1417 йилда бошланиб, 1420 йилда ниҳоятга етказилган. Мадрасанинг кириш пештоқида беш, олти, саккиз ҳамда ўн икки қиррали юлдазлар тасвири бор. Бун Улуғбекнинг астрономия академияси деса бўлади. Чунки ўша даврда шу мадрасада кўплаб илму толиблар тахсил олган.

Мадраса қурилганидан сўнг икки юз йил ўтган, Самарқанд ҳокими Ялангўш фармони билан мажмуининг ўнг томонида иккинчи мадраса барпо этилиб, кейинчалик бу нишоотга Шердор номи берилган. Унинг пештоқида шерлар тасвири мажмуи. Бу нишоот ўн етти йил мобайнида бунёд этилган — қурилиш 1619 йилда бошланиб, 1636 йил ниҳоятга етказилган. Уни Абдуҷаббор исми мейвор кургани пештоқ пастроғиде арабча ёзувда зикр этилган. Уста Абдуҷаббор мадрасасини лойиҳасиз, рўпарада савлат тўкиб турган маҳобатли Улуғбек мадрасасидан нуска олиб бунёд этган. Улар "Қош мадрасалар" деб аталган. Улуғбек ва Шердор мадрасалари бир хил ўқда курнган, нақшлар жиҳоси ҳам бир-биринга ўхшаш. Фарқи шундаки, Улуғбек мадрасаси пештоқида юлдазлар, Шердорда эса шерлар тасвирини куррасиз. Шердорнинг ўнг ва чап томонида икита қиррадор гўмбаз бор. Худди шундай гўмбазлар XV аср бошларида Улуғбек мадрасасида ҳам бўлган. Бироқ улар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Шердор қад ростилагандан ўн йил ўтганидан сўнг яна ҳоким Ялангўш фармонига кўра Регистон мажмуининг марказий қисмида 14 йил мобайнида Тилқарон мадрасаси ҳамда маҷити қурилган. Бу ҳар иккала нишоот қурилиши 1646 йилда бошланиб, 1660 йилда охирига етказилган.

Улуғбек мадрасаси ҳовлиси қурувчилар билан гавжум. Ким электр ускуна ердамида мармар кесмоқда, кимлар даста-даста қосин ташийди. Кимлар қўлида белкурак, кимдир қоршма

УЛУҒБЕК РАСАДХОНАСИ

Улуғ мутафаккир бобомиз XV аср биринчи ярида жаҳонда маъруз обсерваторияларнинг энг йирғи ва нодир — Улуғбек расадхонасини яратган эди. Расадхона пойдевори рус олими В.Ваткин томонидан 1908 йилда топилган. Ундан кейин 1941 йил асрафасида эр-хотин Суҳаревлар, 1948 йилда Шиншин, 1963 йил Яҳё Ғуломов Улуғбек расадхонасини пойдеворида тадқиқот ишлари ўтказган. Бу ишлар икки йил ичида — археологик тадқиқотлар ва астрономик изланишлардан иборат

Халқ Сўзи
НАРОДНОЕ СЛОВО
ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25, Ниден: 64808.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси.
Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
Республика халқ хўжалиги тармоқларининг олий маълумотли ходимлари ва олий ўқув юртларининг ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш тизими Концепциясини яратиш бўйича КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
Голиб чиқкан Концепция лойиҳаси муаллифлари (жамоалари) қуйидаги микдордаги пул муқофоти билан тақдорланадилар:
Биринчи ўрин - 3000 сўм;
Иккинчи ўрин - 2000 сўм;
Учинчи ўрин - 1000 сўм;
Концепция лойиҳаси матнининг ҳажми машинка ёзувида (2 интервалда) 20 қоғоздан ошиб кетмаслиги керак.
КОНЦЕПЦИЯ ЛОЙИХАСИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИ - 1994 йил 1 ноябргача.
Конкурс шартлари билан батафсил танишиши хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 6.
Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирилрининг кадрлари қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўлими.
Телефонлар: 39-16-57, 39-17-28

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Конституциявий суд раиси вазирасини бажарувчи, академик Ш.З. Уразаева рафиқаси Фаузия ТАРХАНОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдирдик низоҳ этади.
Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди вазирасини бажарувчи Конституциявий назорат қўмитаси Конституциявий суд Раиси вазирасини бажарувчи Ш.З. Уразаева турмуш ўртоғи Фаузия ТАРХАНОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия низоҳ этади.
Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди вазирасини бажарувчи Конституциявий назорат қўмитаси Конституциявий суд Раиси вазирасини бажарувчи Ш.З. Уразаева турмуш ўртоғи Фаузия ТАРХАНОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чўқур таззия низоҳ қилади.
Ўзбекистон маҳаллий савоит, коммунал хўжалик маъмурият хизмат кўрсатиш ходимлари қасаба уюшмаси марказий қўмитаси жамоаси собиқ ходим А. Алиевага умр йўлдоши Маҳмуд АЛИЕВИНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таззия низоҳ этади.